

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

**Иқтисодиёт факультети иқтисодиёт йўналиши 461-гуруҳ
талабаси Ахмедов Шахбознинг “Қишлоқ хўжалик
корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш”
фанидан**

*“Қишлоқ хўжалигини интенсиф ривожлантириш
йўллари” мавзусида тайёрлаган*

Курс иши

Тайёрлади:

Ахмедов Ш.

Текширди:

Турсунов И.

ҚАРШИ - 2016

Кириш

I Боб. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий асослари.

1.1. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий моҳияти

1.2. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг турлари ва аҳамияти.

II Боб. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати.

2.1. Қишлоқ хўжалигининг интенсивлаштириш даражаси ва иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

2.2. Интенсив ва экстенсив маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва даражаси.

III Боб. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари.

3.1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш омиллари.

3.2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган мақсад-хўжалик юритишнинг барча шакллари учун тенг иқтисодий шарт - шароитлар яратиш, хусусий мулкдорлар мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда барча мулк шакллари эркин ва мустакил фаолият юритиш учун зарур бўлган ташкилий, иқтисодий асосларни таъминлаб боришдир.

Ўзбекистонда чинаккам сиёсий ва иқтисодий мустақилликни кўлга киритишда ҳамда республиканинг бозор муносабатларига ўтишини таъминлашда мамлакат қишлоқ хўжалиги етакчи ўринни эгаллаб келади.

Республикаимиз иқтисодиёти аграр тармоғини барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириб бориш биринчи навбатда аҳоли жон бошига қишлоқда етиштирилаётган маҳсулотларининг истеъмол қилиниш даражасини тиббий меёрлар талабларига яқинлаштириш ва қайта ишлаш саноати корхоналарини мунтазам хомашё билан таъмин этишни кўзда тутиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасини 2012 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012-2016-йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.”¹

Аграр ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг бозор шаклларига ўтилди ва мустакил товар ишлаб чиқарувчиларнинг салмоғи ошди. Қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш, давлат бюджети субсидиялари орқали кредит тизимидан фойдаланиш, ҳосилни суғурталаш ва бошқа бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, қишлоқ хўжалигининг барқарор ва жадал ривожини ҳозирча таъминлангани йўқ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида инновасия, замонавий техника ва технологиялар ҳамда хўжалик юритишнинг янгича шаклларида фойдаланиш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг ўзгариши билан бирга маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошлаб уни сотишгача бўлган жараёнда, яъни тайёрлов, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, таъминот, савдо-сотиқ, молия ва тижорат тизимини ўз ичига олган бозор тамойиллари асосида ривожлантириш аграр тармоқда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлди.

Ушбу курс ишда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари аниқланган.

¹ И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Халқ сўзи //19.01.2012 йил.

I Боб. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий асослари.

1.1. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий моҳияти

Иқтисодий фан ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг икки йўлини биридан фарқ қилади. Биринчи йўл экстенсив ривожланиш йўли бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш жараёнига янги ва янги ресурслар (ер, чорва молларининг сони ва ҳ.к.) жалб қилиш ҳисобига таъминланади. Бунда маҳсулот ҳажмининг кўпайиши асосан ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши ҳисобига юз беради. Масалан, ўтган йили хўжалик 500 гектар ерга дон экиб, ҳар гектаридан 40 центнердан, жами 2000 тонна ялпи ҳосил олган эди. Жорий йилда эса донли экинлардан 3000 тонна ялпи ҳосил олди. Шу 3000 тонна ҳосилни олиш учун жами ўтган йилдагидан 100 гектар кўп ёки 600 гектарга дон экилди. Ҳосилдорлик эса жорий йилда ҳам 40 центнерни ташкил қилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни бу йўл билан кўпайтириш экстенсив йўл ҳисобланади. Албатта, 600 гектар ерга 500 гектар ерга нисбатан кўп уруғлик, кўп меҳнат ресурслари ва бошқа харажатлар сарфланган. Лекин бу харажатлар бир гектар ерга олдинги йил даражасида қолган.

Ишлаб чиқариш ресурсларини кўпроқ жалб этиш натижасида ривожлантиришга экстенсив ривожланиш йўли деб баҳо бериш қабул қилинган. Бу йўлнинг имкониятлари чекланган. Чунки барча ишлаб чиқариш ресурслари - ер, сув, меҳнат ресурслари, техника, хомашёлар, барча барчаси чекланган.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлатнинг ҳудуди, ер ресурслари чекланган бўлиб, уни хоҳлаганча кўпайтириш мумкин эмас. Ресурслар чекланган ҳолда инсонларнинг, ишлаб чиқаришнинг талаб ва эҳтиёжлари ўсиб боради. Бундай ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бошқа йўлини топиш зарурати туғилади. Бу йўл – интенсив ривожланиш йўлидир.

Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши – бир гектар ер ёки бир бош чорва молига сарфланаётган меҳнат ва моддий сарфларни ошириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир. Ер бирлиги ёки бир бош чорва молига сарфланадиган меҳнат ва моддий харажатлар самарасиз ўсиши мумкин эмас. Интенсив ривожланишнинг иқтисодий моҳияти шундаки, сарфланаётган меҳнат ва моддий харажатларнинг ўсишига нисбатан олинаётган маҳсулот миқдори тезроқ ўсиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннархи нисбатан камайиб бориши лозим. Масалан, ўтган йили етиштирилган 2000 тонна доннинг ҳосилдорлиги 40 центнерни ҳар бир центнери таннархи 500 сўмни ташкил этади, деб фараз қилайлик. Жорий йилда дон экилган ҳар гектар майдонга меҳнат ва моддий сарфларни 10 фоизга кўп қилдик. Агарда ҳосилдорлик ҳам 10 фоизга ёки ундан камга ошса, интенсив ривожланишнинг самараси 0 га тенг бўлар эди. Бу ҳолда интенсив ривожланишнинг иқтисодий моҳиятини кўрсатиш имкони йўқ. Агарда сарфланган меҳнат ва моддий харажатлар ўсишига нисбатан ҳосилдорлик тезроқ ўсган бўлса, интенсивлаштиришнинг иқтисодий моҳияти очилган бўлар эди. Масалан, харажатлар 10 фоизга ошган ҳолда ҳосилдорлик 12 фоизга ошса, демак, маҳсулот бирлигининг таннархи нисбатан пасайган бўлади. Ана шу тарзда ривожланиш йўли интенсив ривожланиш йўли деб юритилади. Интенсив

ривожланиш йўлининг имкониятлари чекланмаган бўлиб, ресурслар танқислиги ёки чекланганлиги шароитида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам мамлакат иқтисодиёти тармоқларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ҳар бир давлат иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади.

Интенсивлаштириш ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалигида маълум чегараларга эга. Масалан, қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlashда ҳар бир технологик жараён учун оптимал агротехника муддатлари мавжуд. Ер ҳайдаш учун ер ҳайдовчи трактор, экиш учун маълум миқдордаги экиш агрегати, ҳосилни ўриш учун (дончиликда) комбайнлар бўлиши керак.

Ҳар бир экин тури учун зарур минерал ўғит миқдори белгиланган. Агарда меёрдан ортиқ минерал ўғит солинадиган бўлса, экиннинг ҳосилдорлигига салбий таъсир этиб, унинг камайишига ҳам олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, интенсивлаштиришнинг маълум даражада чекланганлигидан далолат беради. Бу масаланинг ечими фан - техника тараққиётидadir. Фан - техника тараққиёти деганда фаннинг, техниканинг ва технологиянинг барқарор ривожланиб бориши тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, фан - техника тараққиёти – мавжуд билимлар натижасида уларнинг бойитилиши ва бойитилган билим асосида янги унумли техникалар, прогрессив технологияларнинг яратилишидир. Олдингисига қараганда унумли техника ва технологиялар яратилиши натижасидагина интенсивлаштириш чексиз ривожлантирилиши мумкин.

Фаннинг ривожланиши натижасида ўсимлик ва чорва ҳайвонларининг янгидан - янги хусусиятлари очилмоқда. Натижада, ушбу янги хусусиятлар талабидан келиб чиққан ҳолда технологиялар ўзгаради ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди. Бу борада фан - техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга таъсири чегараланмаган. Ишлаб чиқаришга қишлоқ хўжалиги экинлари янги навларининг жорий этилиши билан интенсивлаштириш янада кучаяди. Масалан, ҳозирда пахта ва буғдойнинг серҳосил навлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтаради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишлаб чиқариш концентрациясини оширади, корхоналарда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни кучайтиради. Ихтисослашувнинг кучайиши ишлаб чиқаришнинг механизациялашиш жараёнини оширади, маҳсулотлар бирлиги таннархининг нисбатан ошиб кетмаслигини таъминлайди. Бу эса, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самараси ошишига олиб келувчи асосий омиллардан биридир.

1.2. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг турлари ва аҳамияти.

Инсоният жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланишнинг муҳим шартлари-моддий бойликлар ишлаб чиқаришнинг узлуксиз жараёнидир.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни бу доимий алоқадорлиги кўриб чиқиладиган ва мунтазам янгидан бошланиб турадиган ишлаб чиқариш жараёни.

Жамият маҳсулотлари йиғиндисини такрор ишлаб чиқариш-ўзига ишлаб чиқаришнинг мунтазам жараёнини, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қисмини қамраб олади.

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ҳозирги замон ишчисини-иждодий илмий – техника тараққиётини ўзлаштиришга қодир хўжалик ишлаб чиқариш ташкилотчиси, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишидан иқтисодий манфаатдор бўла оладиган ишчиларни тайёрлашда ифодаланади.

Ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқариш-кўп тарзли укладлилиқ, демократия, бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, иқтисодий механизмларни янгилаш асосида мулк эгаллиги муносабатларини такрор ишлаб чиқаришни билдиради.

Такрор ишлаб чиқаришнинг учта тури мавжуд:

1. Сиқилган (торайган)-ишлаб чиқариш ўлчами камаяди;
2. Оддий такрор-ишлаб чиқариш ўлчами ўзгармайди;
3. Кенгайтирилган- такрор ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми циклдан-циклгача ўсиб боради.

Такрор ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тури миқдоригина эмас, балки сифат томонларига ҳам эга. Торайган такрор ишлаб чиқаришда сон кўрсаткичлари камайиши билан бир қаторда сифат параметрларининг таназзулга юз тутиши ва иқтисодда инқироз пайдо бўлиш таҳлили билан ҳам изоҳланади. Бундай такрор ишлаб чиқариш ноиқтисодий томондан келиб чиққан (урушлар, сиёсий силсилалар) омилларга ҳам, иқтисодий – фаолиятининг нотўғри танланган мақсадлари ё табиий ёки бошқарувдаги ҳато натижасида келиб чиққан номутаносиблик омилларига ҳам бирдек боғлиқ бўлади. Торайган такрор ишлаб чиқариш алоҳида тармоқларда, ҳудудларда ва яхлитлигича халқ хўжалигида мавжуд бўлиши мумкин.

Оддий такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни аввалги сон ва сифат кўрсаткичларида қолдирилган ҳолда қайта тузишни билдиради. Оддий такрор ишлаб чиқариш барқарорликнинг иқтисодий асоси-ишлаб чиқаришнинг келгуси ривожланиши шартлари сифатида чиқади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, аввалги даврдагига таққосланганда катта миқдорда маҳсулот яратиш ва ижтимоий ишлаб чиқаришида сифат ўзгаришлари билан изоҳланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларида биринчи навбатда ишлаб чиқариш воситалари илмий-техника тараққиёти ютуқлари асосида мукаммаллаштирилади.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш қуйидаги ўзига хос хусусиятларига эга:

Иқтисодий такрор ишлаб чиқариш табиийлик билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жараёнлари ўсимликлар ва ҳайвонлар ривожланиши бўйсунадиган табиий такрор ишлаб чиқариш билан чатишиб кетган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиш муддатлари ўсимлик ва ҳайвонларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнига табиий шароит катта таъсир ўтказади. Тупроқ – иқлим шароити корхона хўжалик фаолияти натижаларини белгилайди ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Ёр қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўз моддий шаклида такрор ишлаб чиқарилмайди. Тупроқ унумдорлигини ошириш-тармоқдаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг сўзсиз шартидир.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг мавсумийлик характери унда ишчи даври ва ишлаб чиқариш даврининг бир-бирига мувофиқ келмаслиги билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш муддатларига мос келувчи йиллик циклнинг давомийлик ўзига хос бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси сифатида ҳам, истеъмол предмети сифатида ҳам фойдаланиладиган маҳсулотлар яратилади, шунинг учун қатор маҳсулотлар навбатдаги ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади (озуқа, уруғлик, чорва, хом ашё).

Қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун маълум шароитлар зарур. Улардан энг муҳими- тўғри иқтисодий механизмни яратиш, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари орасида товар алмашишида нарх паритетини ўрнатиш, инқироз суръатини пасайтириш. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун, ишлаб чиқаришда қўлланилган (истеъмол қилинган) маблағларнинг натурал ва қиймат шаклида доимий қоплаб бориш ва қўшимча ресурслар сотиб олиш учун жамғармалар таъминланиши талаб қилинади.

Қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг сўзсиз шарти-изчиллик билан ишлаб чиқаришни тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол жараёнлари ўтадиган воситаларнинг жараёнлари ўтадиган воситаларнинг тўхтовсиз доирасимон айланиши. Бунинг учун кооперация ва агросаноат интеграцияси асосида қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг таъминотчи савдо молия ташкилотларининг ўзаро уйғунликдаги ишлари зарур.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, тармоқни илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашни талаб этади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг манбалари асосий ва айланма маблағларни тўлдириш учун фойдаланиладиган ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар бўлиши мумкин. Ўз маблағлари манбаларга даромад, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисми (озуқа уруғлик, чорва, хом ашё), қарзга банкларнинг қисқа ва узок муддатли кредитлари, товар кредити, жалб этилганга – пай бадаллари, дотациялар компенциялар киради.

Қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг кўрсаткичлари ўта кўп сонли, аммо асосийси ялпи маҳсулотнинг ўсиши ҳисобланади:

ЯМБ – ЯМо

ЯМУ = -----

ЯМо

Бунда ЯМБ, ЯМо – мос ҳолда йилнинг боши ва охирида ялпи маҳсулотлар таққослама қиймати, сўм.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун йиғилган фойдалардан (Фй) соф даромадга ёки фойдага нисбати сифатида фойдаланиш мумкин %:

$$К_{ТФ} = \frac{Фй}{СД} \times 100 \quad \text{ёки} \quad К_{ТФ} = \frac{Фй}{СФ} \times 100$$

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш таҳлил қилинганда фондларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш нормаси йиғилган фондининг ишлаб чиқаришни асосий ва айланма маблағлари нисбатларининг кўрсаткичларидан фойдаланилади, %;

Ф

$$K_T = \frac{\text{-----}}{\text{АСф} + \text{АЙф}} \times 100$$

АСф + АЙф

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг билвосита кўрсаткичлари сифатида, ишлаб чиқариш фондларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қуввати, экин майдонларининг кенгайиши, чорва моллари бош сонининг ортиши, ишчилар малакасининг ошиши кабилардан фойдаланиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг табиий моддий шаклидаги ялпи маҳсулоти, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол предметлари кўринишида ифодаланган ишлаб чиқариш воситаларига қишлоқ хўжалигининг ичида ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган маҳсулотлар (уруғлик озуқа ва бошқалар), шунингдек саноат учун хом ашё сифатида фойдаланиладиган маҳсулотлар киради. Истеъмол предметлари-бу ялпи маҳсулотнинг қайта ишланмасдан бевосита истеъмолга тушадиган қисми (сабзавотлар, мевалар, сут, тухум ва ҳоказо).

Қиймати бўйича қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти икки қисмдан иборат бўлади: ишлаб чиқаришнинг истеъмол қилинган воситалари (С) қиймати ва янгидан яратилган қиймат (в+м). Умуман, ялпи маҳсулот қиймат шаклида қуйидагича кўринишда бўлади: с+ в +м (13-расм).

Такрор ишлаб чиқаришнинг асосий шарти оддий ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмол қилинган қисмини қоплаш. Бунинг учун харажатларни қоплаш фонди шакллантирилади. Ялпи даромад шахсий истеъмол фонди (ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар билан меҳнатга ҳақ тўлаш) ва соф даромадга бўлинади.

И. Ялпи маҳсулот (с+в+м)

1. Қоплаш фонди (моддий харажатлар, с);
2. Шахсий истеъмол фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш, в);
3. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар.
4. Ялпи даромад (соф маҳсулот, в+м);
5. Соф даромад (м);
6. Жамғарилган фонд
7. Ижтимоий истеъмол жамғармалари (бепул таълим олиш, даволаниш, дам олиш ва бошқалар).

Соф даромаддан бюджетга солиқ тўлаш, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар (нафақа, ижтимоий суғурта, бандлик ва бошқалар), ижтимоий истеъмол жамғармаси ва жамғарилган фондларни шакллантириш учун фойдаланилади.

Шу тариқа қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларини тақсимлашдан такрор ишлаб чиқаришнинг қоплаш, истеъмол ва жамғарилган фондлари шаклланади.

Қоплаш фонди ўзида ишлаб чиқариш жараёнида, истеъмол қилинган предмет ва меҳнат воситалари ялпи маҳсулоти қийматининг бир қисмини ифодалайди. У амортизация ажратмаларини ҳисобга олиш билан моддий харажатлар сўммасига тенг.

Истеъмол фонди – ялпи даромаднинг бир қисми яъни меҳнатга ҳақ тўлаш ва жамоанинг шахсий ва умумий эҳтиёж (талаб)ларини қондиришга кетадиган янгидан яратилган қиймат. У меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва соф даромаднинг истеъмолда фойдаланиладиган бир қисмидан иборат.

Тўпланган фонд, соф даромаднинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун ажратилган бир қисми.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш, қиймат ва натурал шаклда амалга оширилади. Бу такрор ишлаб чиқариш фондларига ҳам тааллуқли. Қишлоқ хўжалигида бу фондларни натурал ҳолда шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунда натурал-моддий таркиб бўйича фондларнинг сезиларли қисми хусусий ишлаб чиқариш маҳсулотларидан шакллантирилади.

Сарфланган уруғлик ва озуқа йиғилган ҳосилнинг бир қисми билан қопланади. Уруғлик ва ем-хашак фондларининг кўпайиши (жамғарилган фонд) ҳам асосан ўз маҳсулотлари ҳисобига ишлаб чиқарилади. Ўртача даражада хўжаликда натурал шаклда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминланади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш иқтисодий ривожланишнинг мезони бўлган иқтисодий ўсиш кузатилишини ифодалайди.

Иқтисодий ўсиш – бу ижтимоий такрор ишлаб чиқарилишининг ижтимоий маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш омилларининг миқдорини кўпайтириш ва сифат жиҳатдан мукаммаллаштириш кўринишида ифодаланган мақсадли вазифаси. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш, ялпи маҳсулотнинг мутлоқ ҳажмда, ҳам аҳоли жон бошига, ҳам кўпайиши сифатида аниқланади. Унинг қишлоқ хўжалигидаги асосий мақсади – аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан қондириш, унинг моддий фаровонлигини ошириш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир.

Иқтисодий ўсиш истеъмолининг мавжуд даражасини пасайтирмасдан, инвестиция ҳажмини ва ишлаб чиқаришни қисқартирмай янги ижтимоий ва иқтисодий дастурларни амалга оширишга имкон беради.

Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турларини фарқлаш қабул қилинган.

Экстенсив турда иқтисодий ўсишга ишлаб чиқариш фондларининг миқдорини орттириш билан эришилади. Ер, меҳнат ишлаб чиқариш фондлари аввалги техник жиҳозланиш сақланиб қолади. Натижада меҳнат унумдорлиги ортмайди. Масалан, катта миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олиш мақсадида қуруқ ерларни ўзлаштириш-бу экстенсив йўл.

Интенсив тури қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мукаммалроқ техникани, илғор технологияни, ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги навлари ва зотларини, фан ютуқларини қўллаш, ишчилар малакасини ошириш ҳисобига кўпайтириш билан характерланади. Бу ҳолатда меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот сифатининг ошиши ишлаб чиқариш ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш эвазига эришилади.

Илмий-техника тараққиёти ютуқларини ўзлаштириш билан иқтисодий ўсишнинг интенсив тури устунлик касб этади. Бироқ амалда бу турлар соф ҳолда мавжуд бўлмайди, шунинг учун иқтисодий ўсишнинг иккала тури ҳақида ҳам изоҳ бериб ўтиш маъқул.

Агар маҳсулотнинг ўсиш улуши ўсишнинг интенсив омиллари ҳисобига олиниб 50 % дан ошса, иқтисод учун интенсив тур афзал бўлади. Ва аксинча интенсив омиллар ҳисобига маҳсулот ўсишининг улуши маҳсулотни умумий ўсишининг 50 % дан камни ташкил этса, ўсишнинг экстенсив тури афзал кўрилади.

Иқтисодий ўсиш қатор омиллар билан белгиланади. Иқтисодий ўсиш омиллари деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ўсиш самарадорлиги ва сифатини орттириш имкониятларини белгилайдиган ҳолат ва жараёнлар тушунилади.

Иқтисодий ўсиш омиллари қуйидагилар:

меҳнат ресурслари сони ва сифатининг ортиши;
асосий воситалар ҳажмининг ўсиши ва сифат таркибининг яхшиланиши;
ишлаб чиқариш технологиялари ва ташкил қилишни мукаммаллаштириш;
хўжалик фаолиятига жалб этилувчи ер ресурсларининг ҳажмини ошириш ва сифат таркибини яхшилаш;

тадбиркорликни ривожлантириш;

бозорни монополиялаш даражасини пасайтириш;

ишлаб чиқариш ресурслари нархини пасайтириш;

даромадга солиқларни камайтириш ва ҳоказо.

Иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқаришнинг маҳсулот қийматини яратишда мос ҳолда иштирок этадиган уч омили назарияси – меҳнат, ер капитал (ишлаб чиқаришдаги асосий ва айланма маблағ) кенг тарқалган. Бироқ, кейинги йилларда ишлаб чиқариш омилларини шарҳлаш чуқурроқ ва кенгроқ тус олди. Уларга меҳнат, ер, капитал, тадбиркорлик қобилияти ва илмий-техник жараёнлар киради. Дастлабки икки омил-моддий қолган иккитаси – номоддий омилларга киради, бироқ бозор иқтисодиёти шароитида улар етакчи бўлиб қоладилар.

Агар ишлаб чиқаришнинг ҳамма омилларидан тўлиқ ва ўта самарали фойдаланилса, ишлаб чиқаришнинг ҳаётий ҳажми ўзининг максимал қийматига – ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажмига етади.

Иқтисодий ўсиш таҳлилининг асосий воситаларидан бири ишлаб чиқариш вазифаси. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни таъминлаш учун ишлаб чиқаришнинг учта омили зарур: меҳнат, ер капитал Бинобарин, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми меҳнат ресурслари (М) ер (С), капитал (К) ўлчамларида ифодаланади:

$$X = f(M, C, K)$$

Иқтисодий ўсишнинг вазифаси учун ишлаб чиқариш омилларининг, айримларини қўллаш самарадорлиги ўлчанадиган қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар: меҳнат унумдорлиги, ердан олинадиган фойда, ер ҳажми, қайтими ва фонд сиғими кабилардан иборат.

Иқтисодий ўсиш омиллари ўзаро алоқада ва чатишиб кетган. Масалан, агар ишчи тўғри иқтисодий механизм шароитида, иқтидорли тадбиркор раҳбарлигида, замонавий ускуналардан фойдаланса, меҳнат унумдорлиги бўлади. Иқтисодий ўсишнинг у ёки бу омили таъсир даражасини аниқлаш қийин.

II Боб. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати.

2.1. Қишлоқ хўжалигининг интенсивлаштириш даражаси ва иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Косон тумани Гулбоғ ММТПнинг Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсисчиларнинг 2002 йил 14 апрелдаги таъсис мажлисининг 25-сонли қарорига асосан ташкил этилган.

МТП давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади, ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига, яъни Уставига амал қилади, ўзининг мустақил балансига, банк муассасаларида миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб варақларига, номи ёзилган думалоқ муҳрига, штампига, ўзининг рамзий белгисига эга бўлиши, судда, хўжалик судида даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши, шу билан бирга мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларига эга бўлиши мумкин.

МТП ўз фаолиятини тижорат асосида амалга ошириб, фаолиятининг натижалари ва мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан жавоб беради. МТП таъсисчиларнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, таъсисчилар МТП мажбуриятлари юзасидан ўзлари қўшган улушлар доирасида жавобгардирлар.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек курс иши Косон тумани Гулбоғ номли муқобил МТП мисолида олиб борилган. Ушбу МТПда мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари тўғрисидагит маълумот 3.2.1- жадвалда келтирилган.

2.1.1- жадвал

Косон тумани Гулбоғ ММТПда мавжуд техникалар таркиби

№	Техникалар номлари	миқдори
1	Тракторлар жами	4
-	Ш.ж ҳайдов тракторлари	2
-	Шудгорловчи тракторлар	2
2	Сеялкалар	2
-	Ш.ж. пахта экадиган	1
-	Ғалла экадиган	1
3	Трактор тиркамалари	2
4	Трактор омочлари	1
5	Культиваторлар	1
6	Ғалла ўриб йиғадиган комбайнлар	1
7	Арик ва канал қазғичлар	1
8	Қатиқ минерал сочадиган (ўғит солинадиганни қўшган ҳолда)	1

Жадвалдан кўриниб турибдики, муқобил МТПда мавжуд техникалар жуда кам, 6 хил турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ташкил этади. Демак, шундай хулоса қилишимиз мумкин-ки, муқобил МТП таъсисчилари ҳисобланган фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва

техникалардан фойдаланиш даражаси талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, меъёр бўйича ушбу турдаги техникалар сони ва сифати қўйидаги жадвал маълумотларига асосланадиган ҳолат бўлиши керак.

2.1.2 – жадвал

Техникалардан фойдаланишда меъёрий кўрсаткичлар

Техника воситаларнинг турлари	1000 га экин майдони хисобига, дон		Фарқи +;-	Меъёрга нисбатан етишмайди, дона
	Ҳақиқатда мавжуд	Меъёрга нисбатан		
Ҳайдов тракторлари	1,2	2,8	-1,6	1653
Чопиқ тракторлари (3 гилдиракли)	4,4	21,7	-17,3	23797
Чопиқ тракторлари (4 гилдиракли)	2,5	12,0	-9,5	20362
Омочлар	0,8	3,4	-2,6	1984
Культиваторлар	1,6	16,9	-15,3	7220
Дон экиш сеялкалари	2,2	4,8	-2,6	4120
Чигит экиш сеялкалари	1,7	13,3	-11,6	6215
Дон ўриш комбайнлари	1,1	2,0	-0,9	630
Ерларни текислаш машинаси	0,1	5,6	-5,5	549
Трактор прицеплари	4,6	32,0	-27,4	40724

2.1.3- жадвал

Қишлоқ хўжалиги машиналарининг йиллик (мавсумий) бажариладиган иш ҳажми ва вақт меъёрлари

Қишлоқ хўжалик машиналарининг тури, номи	Русуми	Йиллик (мавсумий) иш ҳажми ва вақт меъёри	
		Соат	Гектар
1	2	3	4
Трактор прицеплари:	3 ПТС -12 В		
	1 ПТС-9 В	850	-
	2 ПТС-4-887 А		
	2 ПТС-4-793	420	-
Омочлар умумий мақсаддаги:			
8-9 корпусли осма ва ярим осма		230	454
5 корпусли осма		280	177
4 корпусли осма		280	120
3 корпусли		220	30

2 корпусли		205	20
Омочлар 2 ярусли:			
3-4 корпусли		400	150
Чизеллар:	ЧКУ-4 А	200	210
Каток	ЕКГШ-6	350	1120
Бароналар, дискасимон	БДТ-10, БДТ-7	160	330
	БДТ-3	320	310
Бароналар боғдорчилик учун дискасимон	БДН-3,5	210	187
Тишли бароналар	БЗДС-1,0	80	8,0
	БЗСС-1,0	80	8,0
Минерал ўғит солиш машинаси	РУМ-5	250	240
Органик ўғитларни ташиш ва солиш машинаси	НРУ-0,5	175	208
	РПН-4		
Пуркагичлар	ОП-2000, ОП-1600	435	180
	ОВХ-28	285	240
Сеялкалар	СЗ-3,6, СЗТ-3,6	135	210
Жатка (ўроқлар)	ЖНУ-6	200	90
Ғалла комбайнлар	СК-5М “НИВА” Енисей-1200	160	270
Ғалла, шоли ўриш комбайни	Енисей -1200 R	160	50
Макка сеялкалари	СМ-4	70	160
Культиватор – ўғитлагич	КРН-4,2	485	160
Картошка эчкич ва ковлагичлар	СК-4В, СКС-4, КСМ-4	18	65
	САЯ-4	215	40
	КОН-2,8	505	32
	КНО-2,8	505	32
	КСТ-1,4	170	36
Картошка йиғгич	ККУ-2 А	170	26
Сабзавот сеялкаси	СКО-4,2	125	130
	СКОН-4,2		
Пахта сеялкаси	СХУ-4	60	58
Культиватор	КХУ-4	1020	43
Кўрак териш машинаси	СКО-2,4	140	77
	СКО-3,6	150	117
Кўсак чувиш машинаси	УПХ-1,5 V	525	160
Ўзани юлгич	КВ-3,6 А	210	210
	КВ-4 А	235	112
Пахта териш машинаси	ХНП-1,8	235	33
	14 ХВ-2,4 А	230	43
Трактор ўргичлар	КИР-1,5	590	150
	КСГ-2,1	590	135
	КРН-2,1	590	190

	КПП-3	590	-
Хаскашлар		490	195
Тойлаб зичлагич	ПС-1,6	520	330
	ПСЕ-1,6 G		
Ўргич-майдалагич	КУФ-1,8, КПИ-2,4	625	437

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигида тракторларга бўлган талаб меъёрга нисбатан анча пастлигини кўришимиз мумкин, мисол учун 3 ғилдиракли чопиқ тракторлар сони республикада 23797 та етишмайди.

2.1.3 – жадвалда қишлоқ хўжалиги машиналарининг йиллик (мавсумий) бажариладиган иш ҳажми ва вақт меъёрлари кўрсатилган ва таҳлил қилинган.

2.1.4 - жадвал

Косон тумани Гулбоғ муқобил МТПда асосий воситалардан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили, минг сўм

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Асосий воситлар қиймати	101636,7	97242,9	95,7
2	Эскириш суммаси (амортизация қиймати)	28413,5	36207,3	127,4
3	Қолдиқ қиймат	73223,2	61038,6	83,4
4	Асосий воситалар таркиби			
а	Бино	31200	32853,2	105,3
б	Иншоот	8512,1	4118,3	48,4
в	Машина ва жиҳозлар	29604,3	29604,3	100,0

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, муқобил МТПда асосий воситалардан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Косон тумани Гулбоғ муқобил МТПда асосий воситалар қиймати 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 95,7 фоизни ташкил этган, амортизация қиймати 27,4 фоизга ошган.

2.1.5- жадвал

Косон тумани Гулбоғ муқобил МТП томонидан кўрсатилган хизматлар таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Жами кўрсатилган хизматлар	Минг сўм	5680,5	9105,8	160,3
2	Шу жумладан деҳқончиликда	Минг сўм	3703	400	10,8
3	Ишлов берилган	гектар	24	36	150,0

	экин майдон				
4	Тупрокни экин экишга тайёрлаш	Минг сўм		400	
5	Экин экишга тайёрланган майдон	гектар		12	
6	Экин уруғи ва кўчатни тайёрлаш	Минг сўм	450		0,0
7	Экинларни парваришлаш	Минг сўм	1803		0,0
8	Агромелеоратив ишларни бажариш	Минг сўм	100	100	100,0
9	Бошқа хизматлар	Минг сўм	1977,5	8705,8	440,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, муқобил МТПда 2011 йилда кўрсатилган хизмат суммаси 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 60,3 фоизга ошган, аммо 2011 йилда асосан техникаларни ижарага бериш орқали даромад қилинган бўлиб, бошқа хизматларни амалга ошириш суст бўлган.

2.1.6- жадвал

Косон тумани Гулбоғ муқобил МТПнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирилиги	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Жами тушган тушум	Минг сўм	3703	400	10,8
2	Жами харажат	Минг сўм	3981	5125	128,7
3	Ялпи фойда (зарар)	Минг сўм	-278	-4725	1699,6

Жадвал маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, 2011 йилда машина рактор паркига асосий фаолиятдан тушган тушум 400 минг сўмни, яъни 2010 йилга нисбатан 10,8 фоизни ташкил этган. Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннари 28,7 фоизга ошган ва корхона охириги 2 йил давомида асосан зарар билан фаолият кўрсатган.

Иқтисодий фан интенсивлаштириш кўрсаткичларини иккига бўлиб ўрганади. Биринчи гуруҳга интенсивлаштириш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар киритилади. Бу кўрсаткичлар интенсивлаштиришнинг бир томонини ифода этади. Яъни, интенсивлаштириш даражаси маълум экин тури, чорва ҳайвонлари учун танланган технология бўйича меҳнат ва моддий харажатлар сарфи оширилишини кўрсатади. Бу кўрсаткичларда бир гектар экин майдонига, бир бош чорва ҳайвонига сарфланаётган (харажатларнинг) ресурсларнинг миқдори ифода этилади. Буларга қуйидагилар киради;

1) Экин майдони бирлигига тўғри келадиган асосий активлар ва айланма маблағларнинг миқдори. Бу ҳўжаликда мавжуд асосий активлар ва айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматини ер (экин майдони, ҳайдаладиган ерлар ёки қишлоқ ҳўжалиги ерлари) майдонига бўлиш билан аниқланади.

2) Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жорий харажатлар миқдори.

3) Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жонли ва буюмлашган меҳнатнинг умумий миқдори.

4) Бир бирлик ерга тўғри келадиган энергетик қувватлар миқдори.

5) Ҳар 100 гектар ерга тўғри келадиган чорва молларининг бош сони.

Ана шу кўрсаткичлар тизими интенсивлаштиришнинг даражасини ифода этади.

Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодалавчи кўрсаткичлар унинг иқтисодий моҳиятини очиб беради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Уларга қуйидагилар киради:

1) Ҳосилдорлик, с/га.

2) Ер майдони бирлигидан олинаётган ялпи маҳсулот.

3) Бир бирлик ер майдонидан олинадиган фойда миқдори.

4) Меҳнат унумдорлигининг ошиши.

5) Маҳсулот бирлиги таннархининг нисбатан пасайиши.

6) Рентабелликнинг ўсиши.

7) Фонд қайтимининг ошиши.

Ана шу кўрсаткичлар тизими ёрдамида интенсивлаштиришнинг самарадорлиги аниқланади.

Курс ишининг асосий мақсади қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва хулосалар беришдан иборат бўлганлиги сабабли, Косон тумани Гулбоғ ММТП ҳудудида жойлашган фермер ҳўжалигининг йиллик ҳисоботларидан фойдаландик. Қуйидаги жадвалда Нурбек бобо Собир фермер ҳўжалигида ер майдонларидан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқамиз

2.1.7 – жадвал

Косон тумани Гулбоғ ММТП ҳудудида жойлашган “Нурбек бобо Собир” фермер ҳўжалигида мавжуд ер ресурслари таркиби

Кўрсаткичлар	Ер ресурслари таркиби	
	Гектар	Фоиз, %
Суғориладиган ерлар	76,2	11,61
Бўз ерлар	66,3	10,10
Яйлов ерлар	499,1	76,02
Сув ости	4,6	0,70
Йўл ости	3,9	0,59
Бошқа ерлар	6,5	0,99
Жами ер ресурслари	656,6	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликда жами ер ресурслари таркибида яйлов ерлар асосий ўринни эгаллаб турибди. Чунки, ушбу хўжалик ҳам деҳқончиликка, ҳам чорвачиликка ихтисослашган.

Кейинги жадвалда экин майдони таркибини кўриб чиқамиз, (2.1.8 - жадвал)

2.1.8 – жадвал

Косон тумани Гулбоғ ММТП ҳудудида жойлашган “Нурбек бобо Собир” фермер хўжалигида экин майдони таркиби

№	Экин турлари	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нисбатан, %
1	Пахта	34,5	33,2	32	92,8
2	Ғалла	38,7	38	39	100,8
3	Беда	2	3	3	150,0
4	Маккажўхори, силос учун	1	2	2,2	220,0
	жами	76,2	76,2	76,2	100,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида жами экин майдон 76,2 гектарни ташкил этади. Шундан пахта майдони 2011 йилда 32 га, ғалла майдони 39 га, беда 3 га ва маккажўхори силос учун 2,2 га ни ташкил этган. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида асосан ғалла, беда ва маккажўхори майдони кенгайиб борганлигини кўришимиз мумкин.

2.2. Интенсив ва экстенсив маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва даражаси.

Ялпи маҳсулот тармоқда маълум давр мобайнида ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг ҳамма ҳажмини билдиради. У ўсимликчиликнинг ялпи маҳсулоти ва чорвачиликнинг ялпи маҳсулотидан иборат бўлади. Ўсимликчиликнинг ялпи маҳсулоти қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулотларини, кўп йиллик кўчатларни экиш, уларни парваришлаб ўстириш ва туғалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориш қийматларини ҳисобга олган ҳолда ялпи йиғимини қамраб олади. Чорвачиликдаги ялпи маҳсулот – бу ҳайвонларни сўйиш билан боғлиқ бўлмаган тайёр маҳсулотлар (сут, жун, тухум) насл олиш, ёш бузоқлар ва катта ёшли қорамолларни ўсишидан вазн ортиши, шунингдек, кўшимча маҳсулотлардир.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот натурал ва қиймат баҳоларда ифодаланади ва ҳисобга олинади. Натурал кўрсаткичларда у маҳсулотнинг алоҳида турлари бўйича аниқланади. Ялпи маҳсулот қиймати таққослама ва амалдаги Ҳақиқий жорий баҳолар (унинг товар қисми-реализация баҳосида, товар бўлмагани-таннархи бўйича) шунингдек, таннархлар бўйича ҳам ҳисоблаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ялпи айланма усули билан аниқланади.

Ялпи маҳсулот – бу маълум даврда корхонанинг ҳамма тармоқлари томонидан ушбу маҳсулот корхона ичида фойдаланиладими ёки келгуси ишлаб чиқарилиши учунми, ёхуд бошқа томонга реализация қилинишдан, қатъий назар ишлаб чиқарилган. Маҳсулотлар ҳажмининг қиймати ялпи маҳсулотни аниқлашда оралиқ маҳсулотларнинг иккиланган ҳисобга олишга – уруғликлар озуқа ва бошқа йўлга қўйилади.

Ялпи маҳсулот – қишлоқ хўжалигини бирлаштирилган ижтимоий маҳсулотларидаги улушининг ишлаб чиқаришнинг тармоқ структуралари ишлаб чиқарилган маҳсулотлардаги хўжаликнинг алоҳида тармоқлари бўйича аниқлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш миқёсини характерловчи муҳим иқтисодий кўрсаткичдир. Кейинги жадвалда фермер хўжалигида пахта ва ғалла маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми таҳлил қилинган.

2.2.1 - жадвал

Косон тумани Гулбоғ ММТП ҳудудида жойлашган “Нурбек бобо Собир” фермер хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили

%	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши
1	Ҳосилдорлик	ц/га				
-	Пахта	ц/га	24,8	29,1	23,6	95,3
-	Ғалла	ц/га	35,0	30,0	33,8	96,5
-	Беда	ц/га	240	265	280	116,7
-	Макка силос учун	ц/га	210	280	240	114,3
2	Ялпи ҳосил	ц				
-	Пахта	ц	750,0	756,0	755,0	100,7
-	Ғалла	ц	1050,0	960,0	811,0	77,2
-	Беда	ц	480	795	840	175,0
-	Макка силос учун	ц	210	560	528	251,4
3	1 га ерга сарфланган харажат	Минг сўм/га	783,9	1172,4	1340,8	171,0
-	Пахта	Минг сўм/га	735,4	1753,8	1603,5	218,0
-	ғалла	Минг сўм/га	833,0	700,0	990,4	118,9
4	1 га ердан олинган даромад	Минг сўм/га	816,9	1218,2	1412,9	173,0
-	Пахта	Минг сўм/га	801,0	1847,1	1729,7	216,0
-	ғалла	Минг сўм/га	833,0	707,3	990,4	118,9
5	1 га ердан	Минг	33,0	45,8	72,1	218,8

	олинган фойда	сўм/га				
-	Пахта	Минг сўм/га	65,5	93,3	126,2	192,5
-	ғалла	Минг сўм/га	0,0	7,3	0,0	-

Жадвал маълумотларини таҳлил қилар эканимиз, фермер хўжалигида пахта ва ғалланинг ҳосилдорлиги пасайиб борганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга озуқабоп экинларнинг ҳосилдорлиги ошиб борган. 1 гектар ерга сарфланган харажатлар ҳам 2011 йилда 2009 йилга нисбатан пахта экини бўйича 118 фоизга, ғалла бўйича – 18 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Пахта экин тури бўйича 1 гектардан олинган фойда 2011 йилда 126, 2 минг сўмни ташкил этган.

Шу билан бирга ушбу кўрсаткич унинг ёрдамида корхона хўжалик фаолиятининг натижаларини объектив баҳолашга имкон бермайдиган қатор камчиликларга ҳам эга. Биринчидан, ялпи маҳсулот ўзида жонли меҳнатни қандай бўлса, моддалашган меҳнатни ҳам шундай қўлланганлик натижаларини акс эттиради, бунинг оқибатида ялпи маҳсулот бўйича ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичлар, жонли меҳнатнинг роли ҳақида аниқ тасаввур бера олмайди, чунки унинг ҳажми моддий ресурслар миқдори билан боғлиқ; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг унинг ўсимликчилик ва чорвачилик бўйича сўммаси сифатида ҳисобланган ва у қайта ҳисоблашга йўл қўяди (корхонада ишлаб чиқилган ва ўша йилнинг ўзидаёқ истеъмол қилинган озуқа икки марта ҳисобга олинади: ўсимликчилик маҳсулотларининг бир қисми ва чорвалик маҳсулотлари таннархига қилинган харажатларнинг таркибий элементи сифатида); учинчидан, ялпи маҳсулотларни жорий нархларда баҳолашда унинг Ҳақиқий баҳоси пасайиб ёки кўтарилиб кетади, чунки маҳсулотнинг товар бўлмаган қисми бозор нархидан паст ёки баланд бўлиши мумкин бўлган таннарх бўйича баҳоланади; тўртинчидан, таққосланган баҳоларда ҳисоблаб чиқилган ялпи маҳсулот кўрсаткичи маҳсулот сифатини акс эттирмайди.

Товар маҳсулотлар – бу ялпи маҳсулотнинг реализацияга мўлжалланган бир қисми. Тармоқ, корхона ташқарисига чиқарилган ҳамда истеъмолчи ёки савдолашувчи ташкилот томонидан ҳақи тўланган товар маҳсулотининг қисми реализация қилинган маҳсулот дейилади. Бироқ, амалиётда ва қишлоқ хўжалиги адабиётларида бу тушунча синоним сифатида ишлатилади ва товар маҳсулоти деганда реализация қилинган пул тушуми сифатида кўринадиган маҳсулотлар тушунилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳисобот-статистик материалларидан товар маҳсулотлари ўтказилмайди. Товар ва реализация қилинадиган маҳсулотлар амалдаги нархларда ҳисоблаб чиқилади.

Корхона ва тармоқларнинг товар маҳсулотларини фарқлаш лозим. Корхона тармоқларининг алоҳида турдаги маҳсулотларининг товарлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар-ер майдони бирлигига ёки чорва моли бош сони ҳисобига товарлилик даражаси, товар маҳсулотларининг умумий ҳажми, товар маҳсулотининг ҳажми ҳисобланади.

Товар (реализация қилинган) маҳсулотининг (ТМ) ялпи маҳсулотга нисбатини англатувчи муҳим кўрсаткич-товарлилик даражаси дейилади %:

ТМ

Т_д = ----- x 100

ЯМ

Алоҳида турдаги маҳсулотларнинг товарлилик даражасини аниқлашда (ғалла, пахта, сут ва ҳоказо) ялпи ва реализация ҳажмини натурал ифода тармоқлар ёки корхоналар бўйича бир бутун-киймат кўрсаткичларида ҳисоблаб чиқиши мумкин.

Бу ҳолда ялпи ва реализация қилинган маҳсулот ягона нархда масалан, таққослама баҳоларда ҳисоблаб чиқилиши муҳим.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг товарлилик даражаси, хўжалик тоифалари бўйича кескин фарқланади. Товарлиликнинг энг юқори даражаси, қишлоқ хўжалиги корхонада, энг пасти-аҳоли хўжаликларидир. Бу қишлоқ хўжалигини юритиш мақсадларига боғлиқ. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг мақсади сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли хўжалигиники эса-оиласининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг товарлилик даражаси, ҳамма тармоқдаги хўжаликларда пасайди.

2.2.2 jadval

Косон тумани Гулбоғ ММТП худудида жойлашган “Нурбек бобо Собир” фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштириш

кўрсаткичлари таҳлили

(1 центнер маҳсулот учун)

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		2011 йил		2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
	Минг сўм/га	%	Минг сўм/га	%	Минг сўм/га	%	+: -	%
Ишлаб чиқариш харажатлари	36,9	100,0	60,3	100,0	68,0	100,0	31,1	184,3
Уруғлик	2,9	7,8	3,4	5,7	2,8	4,2	-0,1	96,6
Ўғит	6,7	18,1	18,2	30,2	13,3	19,6	6,6	198,5
ЁММ	4,6	12,4	5,7	9,5	11,0	16,2	6,4	239,1
Ишлар ва хизматлар	15,1	40,9	8,0	13,3	9,3	13,6	-5,8	61,6
Иш ҳақи	6,1	16,6	15,3	25,4	19,9	29,2	13,8	326,2
Суғурта тўловлар	1,5	4,2	3,8	6,4	5,0	7,3	3,5	333,3

умум ишлаб чиқариш харажатлари	-	-	4,8	7,9	3,7	5,5	-	-
бошқа харажатлар	-	-	1,0	1,6	3,0	4,4	-	-

2.2.2- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида 1 ц пахта ишлаб чиқариш учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари ошиб борган ва 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 84,3 фоизга ошган. Шундан ўғит харажатлари 98,5 фоизга, ЁММ харажатлари 139,1 фоизга, иш ҳақи харажатлари 226,2 фоизга ва суғурта тўловлари 233,3 фоизга ошган.

2.2.3- жадвал

Косон тумани Гулбоғ ММТП Нурбек бобо Собир фермер хўжалигида ғалла ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштириш кўрсаткичлари таҳлили (1 центнер маҳсулот учун)

Кўрсаткичлар	2009йил		2010 йил		2011йил		2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
							±; -	%
Ишлаб чиқариш харажатлари	23,8	100	23,7	100	29,3	100	5,5	123,1
Уруғлик	2,4	10,2	4	16,9	6,5	22,2	4,1	270,8
Ўғит	3,8	15,9	6,8	28,8	8,1	27,8	4,3	213,2
ЁММ	2,9	12,3	3,8	16,1	6,4	21,9	3,5	220,7
Ишлар ва хизматлар	7,7	32,3	3,5	14,7	3,7	12,6	-4	48,1
Иш ҳақи	2,5	10,4	2,1	8,9	2,5	8,4	0	100,0
Суғурта тўловлар	0,6	2,5	0,5	2,2	0,6	2,1	0	100,0
умум ишлаб чиқариш харажатлари	1,4	6	0	0	1,4	4,6	0	100,0
бошқа харажатлар	2,5	10,4	2,9	12,3	0,1	0,4	-2,4	4,0

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 1 ц ғалла ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 23,1 фоизга, шу жумладан уруғлик 170,8 %, ўғит – 113,2 %, ЁММ – 120,7 % га ошган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг товарлилик даражасини оширишнинг замонавий шароитдаги асосий йўналишлари қуйидагилар:

- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ортиши ва чорва молларининг маҳсулдорлиги ҳисобига (масалан, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган навларнинг ва гибридларнинг ҳосилдорлиги, фақат 30-50 %) ялпи маҳсулотнинг ортиши

- маҳсулотларни хўжалик ичидаги ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфлашни қисқартириш (уруғлик, озуқа, хом ашё ва бошқалар);

- уруғлик ва озукалар сифатини яхшилаш уларни сарфлашда тежамкорлик;
- ишлаб чиқаришни сақлаш ва юклаб тушириш жараёнида йўқотишларни камайтириш;
- маҳсулот сифатини ошириш;
- қишлоқ хўжалик корхонада маркетинг хизматини ташкил этиш.

Аграсаноат мажмуасида ишлаб чиқариши (АСМ) товарлилик даражаси салмоқли даражада бозор конъюнктураси, таклиф ва талабалар билан белгиланади.

Корхонанинг чидамлилиги (яшовчанлиги) унинг товар ва хизматлар бозорида барқарор ҳолати рақобатбардошлик даражаси билан белгиланди.

Бозорга чиқарилган ҳар қандай маҳсулот харидорлар талабини қондира олиш даражаси текширувидан ўтади. Харидор ҳамيشа ўз эҳтиёжини яхшироқ қондирадиган маҳсулотни сотиб олади.

Рақобатбардош маҳсулот бозордаги ўхшашга нисбатан юқори даражада, истеъмолчилар талаб қиладиган хусусиятларга эга бўлади ва бунинг натижасида юқори талабга эришади. Рақобатбардошликни рақобатчилар маҳсулотига солиштириш йўли билан аниқлаш мумкин.

Чунки товар маҳсулотларининг рақобатбардошлиги нисбий тушунча у аниқ бозорга ва сотиш вақтига (айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун) қаттиқ боғланган.

Рақобатбардошлик асосан, икки усул билан аниқланади: маҳсулотнинг баҳоси ва сифати билан, бинобарин, иккинчи омил аста-секин етакчи бўлиб олади. Маҳсулот сифати истеъмолчилар қиймати билан ажралмас ҳолда боғлиқ. Истеъмолчиларни маҳсулотнинг табиати эмас, унинг товар бўла олиши қизиқтиради. Олди-сотди амалга оширилаётган пайтда, харидор ушбу товарнинг бозор шартларига мослигини тасдиқлайди. Бундай маҳсулотнинг рақобатбардошлиги шунча юқори бўлади.

Маҳсулотлар сифати-унинг ўз вазифасига кўра мос равишда маълум талабни қондиришга асосланадиган хусусиятларининг йиғиндиси. Харидор унинг қандай ўзига хос талабини қондиришига қарамасдан ўзининг истеъмол талабига жавоб берадиган маҳсулотни сифатли деб билади. Бир маҳсулотнинг сифати, ундан битта мақсад йўлида фойдаланиш учун юқори ёки паст деб билиниши мумкин. Масалан, арпадаги оксилнинг ортиши унинг ем-хашак сифатида қимматини оширсада, пиво тайёрлаш маҳсулоти сифатини пасайтиради.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги харидор учун қизиқиш уйғота оладиган ўзига хос хусусиятлари (масалан, ўлчами, янгилиги, мевасининг мазаси) билангина белгиланади. Бошқа ҳамма параметрлари (масалан, шакли, мева ранги) рақобатбардошликни баҳолашда ҳисобга олинмайди. Рақобатли бозорнинг ривожланишини маҳсулот сифатини яхшилаш даражаси ва ўсиши кўрсатиб беради. Шу сабабли, товар ишлаб чиқарувчилар олдида сифатни режалаштириш ва уни бошқариш унинг маълум даражасига етиш харажатларининг энг тежамли вариантини танлашни ҳисобга олиш масаласи туради. Бу муаммоларнинг ҳаммаси корхонада сифат стандартлари тизимини жорий этиш билан ҳал этилади.

III Боб. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари.

3.1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш омиллари.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни доимий ривожлантириш талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида интенсивлаштириш қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади: Кимёлаштириш - қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Самарали минерал ўғитларни ишлаб чиқариш, уруғликларга кимёвий ишлов бериш, турли касалликлар ва зараркундаларга қарши курашиш ва шу кабилар ҳақида гап борганда кимёлаштиришнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини биламиз. Кимёлаштиришсиз қишлоқ хўжалигида сезиларли муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши – ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришдир. Меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатиши иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига боғлиқ. Оғир иш жараёнларини машиналар ёрдамида бажариш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки оғир ишлардан кишиларни озод қилиш, ижтимоий масалани ҳам маълум даражада ижобий ҳал этишга олиб келади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши ишлаб чиқаришни электрлаштиришдир. Электр имкониятларидан фойдаланмасдан ишлаб чиқаришнинг бугунги ривожини кўриш мумкин эмас.

Фан, техника ва технология ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳам интенсивлаштириш йўналишларидан биридир. Кадрларнинг малакасини, билимини ошириш ҳам энг керакли йўналишлар сифатида юзага чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, етиштириладиган маҳсулот миқдори ва сифатини оширишга олиб келадиган, маҳсулот ва хизматлар таннархи пасайишига, меҳнат унумдорлиги ошишига таъсир этувчи барча омиллар эътибордан қолмаслиги ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим.

3.1.1- жадвал

Косон тумани Гулбоғ ММТП Нурбек бобо Собир фермер хўжалигининг мавжуд техникалари ҳақида

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2010 йил 2008 йилга нисбатан ўзгариши %
			2008 йил	2009 йил	2010 йил	
1	Занжирли ҳайдов трактори Т-4А	дона	1	1	1	100
2	Т-28х4м чопиқ трактори	дона	1	1	1	100
3	ТТЗ-80.1 И чопиқ трактори	дона	1	1	1	100

4	Панова канатил	дона	2	2	2	100
5	Культиватор	дона	1	1	1	100
6	Трактор тиркамаси	дона	2	2	2	100
7	Комбайн “Нева-дон”	дона	1	1	1	100

Қишлоқ хўжалигидаги фаол, лекин кўпинча оқилона бўлмаган фаолият таъсирида экологик муаммолар ўткирлашади. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда иқтисодий манфаатдорликнинг йўқлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ажратиладиган маблағлар етарли эмаслиги, табиатни қўриқлаш ва ресурсларни тежаш технологияларни рад этишга олиб келади. Мураккаб иқтисодий вазият корхоналарда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ернинг экин экиш ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс ишларни тўлиқ амалга ошириш имконини бермаётир. Натижада йирик қўламли деградация ва қишлоқ хўжалиги экин ерларининг эрозия туфайли қисқариши кузатилмоқда, тупроқда гумус ва бошқа озуқа моддалари камаймоқда, шўрланиш, ботқоқлашув, оғир техниканинг ортиб кетиши, табиий ҳосилдорлик камайиши юз бермоқда. Экологик хавфни оқова сувларни тозалаш ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини утилизациялаш масалаларини қийинлаштираётган майда консерва, сут ва бошқа корхоналар цехларнинг назоратсиз қурилаётгани бўлмоқда.

Шу сабабли, ишлаб чиқаришни ривожлантириш вариантларини танлашда уларни амалга оширишнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини ҳам ҳисобга олиш зарур. Замонавий шароитда хўжалик фаолиятини башорат қилишда нафақат иқтисодий, балки, экологик иқтисодий самарадорликни, яъни ишлаб чиқаришнинг экология учун оқибатини ҳам ҳисобга олиб, белгилаш керак бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши экологик-иқтисодий самарадорлигининг мезони бўлиб даромад ва соф фойда одамлар соғлиги ва табиатни муҳофаза қилиш манфаатларига жавоб берувчи атроф-муҳит сифатининг нарматив талабларига риоя қилиш ҳисобланади. Ушбу мезонга эришиш даражаси жорий харажат ва капитал қўйилмаларининг экологик-иқтисодий таъсир этиш кўрсаткичлари тизими ҳисобланади.

Экологик-иқтисодий таъсир этиш – бу ишлаб чиқариш таъсири остида юз берувчи экологик параметрлар ўзгаришининг пулда баҳоланиши. У ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий миқдор сифатида экологик-иқтисодий самара, салбий сифатида экологик-иқтисодий зарар чиқади.

Экологик-иқтисодий самара – табиатни қўриқлаш тадбирларини амалга ошириш натижасида фойданинг қийматли ўсишидир. Уни ҳисоблашнинг асоси бўлиб, тупроқ, сув, ҳаводаги ифлосланиш даражасининг пасайиши, тупроқ ҳосилдорлигининг ошиши, экологик тоза маҳсулотлар чиқишининг ортиши кабилар бўлиши мумкин.

Экологик-иқтисодий зарар – атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви натижасида қишлоқ хўжалигининг қиймат шаклидаги ҳақиқий ёки эҳтимолий зарари ёки бу зарарларни қоплаш учун қўшимча харажатлардир.

Қишлоқ хўжалигида зарар биринчи навбатда, ҳавонинг ифлосланиши ва суғориш учун ифлосланган сувдан фойдаланишдан пайдо бўлади, натижада қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги камаёди, тупроқ шўрланишига қарши кураш сарфлари ортади, айрим ҳолатларда қишлоқ хўжалик экинлари ассортименти ўзгаради. Чорвачиликда зарар чорва моллари маҳсулдорлигининг камайиши кўринишида, яъни йирик вазн, сут соғиб олиш, тухум сони камайиши кўринишида бўлади. Экстремал ҳолатларда кўп миқдордаги ўта ифлосланган оқова сувларнинг ташланиши чорва моллари ва паррандаларнинг тўлиқ ҳалокатига олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда тармоқнинг ўзига ҳослигини унутмаслик керак. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ, шу боис қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича ишлар амалга оширилганда атроф-муҳитни сақлашга доир талаблар ҳисобга олинмоғи лозим.

Қишлоқ хўжалиги машулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг зарурий шартлари – турли агротехник ва зоотехникага оид тадбирлар ўтказиш асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўсиши ва чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлигидир. Шу билан бирга, таклиф этилаётган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳам мумкин.

Агротехник ва зоотехника тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги ушбу тадбирларни унинг учун белгиланган харажатлар ёки қўлланилган ресурсларга таққосланган ҳолда олинган самарага қараб аниқланади.

Асосий агротехник тадбирлар – экин майдонлари тузилишини оптималлаштириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, жадал ва ресурсларни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қиладиган воситалардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Экин майдонларининг тузилишини оптималлаштириш рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, чорвачилик тармоқларининг озуқага бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди, ўсимликчиликнинг самарадорлиги ошишига ёрдам беради, тупроқ ва иқлим хусусиятларига мос келиши керак. Шундай экинларни танлаш керакки, 1 га ерга кам харажат ва меҳнат сарфлаб, кўп маҳсулот олинсин.

Экин майдони тузилишини иқтисодий баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: 1 га экин майдони ва бир киши/соат, 1 га майдонга меҳнат ва моддий-пул маблағлари ҳамда маҳсулот бирлиги харажатлари ҳисобига 1 га майдон ва 100 сўм харажатдан соф фойда.

Соф даромаднинг ўлчами ҳосилдорлик даражаси, таннарх ва сотиш баҳосига боғлиқ. Агар харажатлар экин гуруҳлари бўйича ҳисобга олинса, ҳар бир экин маҳсулоти таннархи, ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади. Шу билан бирга, ҳосилдорлик ва охирги 3-5 йилда 1 га ерга ўртача харажатлар аниқланиб, реализация баҳолари корхонада кейинги йилларда йиғилган ҳақиқий баҳолардан олинади.

Экин майдонларининг тузилиши яхшиланиши ҳисобига ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари ҳисоб-китобида ҳамма имкониятлар ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда экишнинг оптимал тузилмаларини ишлаб чиқиш лозим (ҳисоблаш-конструктив ва иқтисодий-математик усуллар ёрдами билан), кейин маҳсулотларнинг ҳақиқий ҳажмини, ҳақиқий умумий майдондан экинларнинг ҳақиқий ҳосилдорлигида, лекин экин ерлари тузилиши яхшиланганда, экинлардан олиниш эҳтимоли бўлган маҳсулот билан солиштирилади. Оптималлик мезони сифатида соф даромаднинг максимумидан фойдаланиш мумкин.

Алмашлаб экишни ўзлаштириш ва унинг самарадорлигини ҳисоблашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

алмашлаб экишлар маълум ассортимент ва сифатдаги товар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўзда тутилган сотиш ҳажмини таъминлаш лозим;

ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларига (озуқалар, уруғликлар ва бошқалар) хўжаликнинг ички талаб-эҳтиёжлари қондирилиши;

тармоқлар, ферма ва бригадаларнинг ўлчамларини ва ердан фойдаланиш йўналишини ҳисобга олишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва навларнинг, экин майдонларининг мақбул тузилмаларини иқтисодий баҳолари ҳақидаги илмий асосланган маълумотлар асосида жорий этиши;

қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқариш тармоқлари техникадан юқори унумдорлик билан фойдаланишни таъминловчи алмашлаб экишни ташкил этиш;

лалми ерларни ўзлаштириш ҳисобига, экин майдонларини кенгайтириш имконини кўзда тутиш керак.

Энг мақсадга мувофиқ алмашлаб экишни танлаш ёки уларнинг тизимини ишлаб чиқиш, иккита-учта вариантни иқтисодий баҳолаш ва таққослагандан кейингина мумкин бўлади.

Алмашлаб экишни таққослаш иқтисодий баҳолаш кўрсаткичларининг қуйидаги тизими бўйича ўтказилади:

1 га алмашлаб экиш майдонига натурал (озуқа бирлиги) ва пул (сўм) ифодасидаги ялпи маҳсулотнинг чиқиши;

1 сўм/ишлаб чиқариш харажатлари ва 1 киши/соатга, ялпи маҳсулотнинг чиқиши;

1 га алмашлаб экиш майдони ва 100 озуқа бирлигига меҳнат ва моддий-пул маблағлари харажатлари;

100 озуқа бирлигининг таннари;

1 га алмашлаб экиш майдони ва 1 киши/соатга олинган соф фойда;

ишлаб чиқариш рентабеллиги даражасини фоизларда ифодаланган моддий-пул харажатларига соф даромад нисбати сифатида;

ердан фойдаланиш коэффиценти, алмашлаб экиш майдонининг ҳайдаладиган майдонга нисбати сифатида.

Таққосланадиган алмашлаб экиладиган ер иқтисодий баҳосининг мезони – ўсимликчилик маҳсулотларининг, маҳсулот бирлигига энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп маҳсулот чиқиши.

Интенсив ва ресурсларни тежаш технологиясининг самарадорлигини баҳолашда куйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади: қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, 1 га экинга пул кўринишидаги ялпи маҳсулотнинг чиқиши, 1 га экин экишга меҳнат ва моддий-пул маблағлари харажат, қўшимча маблағларни қоплаш, маҳсулот бирлигига меҳнат сарфи ва таннарх, 1 га экин экишдан соф фойда, рентабеллик даражаси.

Интенсив ва ресурсларни тежаш технологиясининг самарадорлигини аниқлаш учун асос ҳосилдорликнинг ўсиши, маҳсулот сифатини аввалги йиллардагига ёки анъанавий технологиядагига солиштиргандагига нисбатан юқорилиги бўлади.

3.2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришинининг иқтисодий самарадорлиги асосан омилларнинг икки гуруҳи билан белгиланади:

корхонанинг хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган, ташқи – нархни шакллантириш, солиққа тортиш, кредитлаш, инқироз жараёнлари, дотациялар ва товон (компенсация) тўловлари, аграр қонунчилик ва бошқалар;

ички – ташкилот таъсир эта оладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, ҳайвонлар маҳсулдорлиги, маҳсулот таннархи, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш, ихтисослашув ва бошқалар.

Бугун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги сезиларли равишда иқтисодий механизм шакллантирадиган омилларнинг биринчи гуруҳи билан белгиланади. Уларнинг иқтисодий механизмида омилларнинг иккинчи гуруҳи асосий рол ўйнайди.

Мураккаб шароитда аграр секторда инқирозни бартараф этиш, ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш учун давлати томонидан тартибга солиниш ва АСМ иқтисодий муносабатларни оптималлаштириш йўли билан амалий натижа берадиган иқтисодий механизм яратиш зарур.

Бозор муносабатлари тизимида аҳамияти (қиймати) бўйича иккита тенг тузувчини ажратиш мумкин: талаб ва таклифнинг оптимал нисбатини белгиловчи қишлоқ хўжалиги ва товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда турли даражадаги харидорларнинг бозордаги еркин муомаласи кафолати ва мақсади, бозор субъектларининг самарали фаолият ва ишлаб чиқаришни экологиялаштиришга йўналтириш бўлган бозор муносабатларини иқтисодий тартибга солиш механизмларидан иборат.

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги сезиларли даражада интенсив ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ. Юзага келган шароитларда ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг муҳим йўналиши - маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жадал, ресурсларни тежовчи технологиясини қўллаш, чорвачиликда, наслчилик ишларини, уруғчиликни яхшилаш, ўсимликларнинг келажаги бор, тез пишар, юқори ҳосилли, самарали навларидан, чорва моллари ва паррандаларнинг маҳсулдор зотларидан фойдаланиш, минерал ва органик

ўғитларнинг гербитсид ва қишлоқ хўжалиги экинларини ҳимоялашнинг оптимал дозаларини киритиш, озуқа базаларини мустаҳкамлаш ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда интенсив технологиялардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан фойдали. Улардан фойдаланиб, кузги буғдой етиштирилганда ҳосилдорлик 35-40% га ортишига, таннарх 4-6% пасайиб, 1 га экин майдони ҳисобига даромад 50-60% ошишига эришилади.

Моддий маблағлар танқислиги шароитида ресурсларни тежовчи технологиялардан фойдаланиш зарур. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, пахта етиштиришда ана шундай технологиядан фойдаланиш меҳнат унумдорлигини 1,5-2 марта ошириш, ёқилғи ва мойлаш материаллари сарфини 25-30%, маҳсулот бирлиги таннархини эса 35-40% га камайтиришга имкон беради.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришдаги муҳим шарт – алмашлаб экишга амал қилиш. Мамлакатнинг кўпгина минтақаларида деҳқончиликни жадаллаштириш талабларига ярмини ғалла, пахта, беда, макка, техника экинлари ва бошқа озиқ-овқат экинлари алмашлаб экилиши билан жавоб берилади. Аммо кўпгина хўжаликларда зарур техника йўқлиги боис, бу шартга амал қилинмайди ва натижада ҳосил йўқотилади. Ғалла экинларини оптимал муддатларда (10-14 кун) йиғиб олиш қўшимча равишда 15-20% экинни сақлаб қолишга имкон беради.

Юзага келган инқироз шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини оширишда қўшимча инвестиция талаб қилмайдиган, лекин ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ортишига ёрдам берадиган экинлар структурасини оптималлаштиришгидир.

Чорвачиликни келгуси ривожланиши ва унинг иқтисодий самарадорлиги ортишининг ҳал қилувчи йўналишларидан бири – мустаҳкам ва барқарор озуқа базасини яратишдир. Ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонасида озуқа базасини мутсаҳкамлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак бўлади. Бу чорвачиликда ҳайвонлар маҳсулдорлигининг ортиши ва маҳсулот таннархининг пасайишига ёрдам беради.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигида ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаштириш муҳим рол ўйнайди. Айрим қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг (пахта, ғалла ва б.) механизациялаштирилганлик даражаси жуда юқори (20-25%).

Пахта, ғалла, муҳим техника ва айрим озуқа экинларини етиштириш учун машиналар тизими ишлаб чиқилган. Бироқ, қатор тармоқларда (боғдорчилик, узумчилик, тамакичилик ва б.) ҳозирча алоҳида машиналар ва айрим ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш учун уларнинг комплекслари мавжуд, ҳолос.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишдаги муҳим шарт – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхшилаш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати қанча юқори бўлса, унинг реализация баҳоси ҳам шунчалик юқори, шунингдек, ишлаб чиқариш рентабеллиги ҳам баланд бўлади. Масалан, 23% дан ортиқ ширадорликка эга (клеяковина) буғдой озиқ-овқат мақсадларида фойдаланилади. Бундай буғдойнинг нархи ем-ҳашаклига нисбатан 1,5-1,7 марта юқори.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати кўпгина омилларга боғлиқ. Булар: ўсимликлар навлари ва чорва моллари зоти, ишлаб чиқариш технологияси

ва ташкил этиш, тармоқнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, ишчилар малакаси, иқлим шароити, тупроқ унумдорлиги, сақлаш ва ташиш шартлари ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалигини рентабелли юритишнинг муҳим шarti – унинг тўлови даражаси билан белгиланувчи юқори унумли меҳнат мотивациясидир. Сезиларли даражадаги бозор иқтисодиётига меҳнатга ҳақ тўлаш ишчи кучининг ишчи ва унинг оиласини моддий ва маънавий жиҳатдан зарур талабларини қондириш ва меҳнат ресурсларини кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш учун имкон берувчи баҳоси асосида шаклланиши керак.

Бозор инфратизилмаси етарлича ривожланмаганлигидан маҳсулот сотишда тўламаслик ва бошқа қийинчиликлар юз беради ва бунда хом ашёни эмас, қайта ишланган ҳолдаги маҳсулотни реализация қилиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига жойида ишлов бериш иқтисодий жиҳатдан фойдали, чунки ҳамма ишлаб чиқилган маҳсулотлардан, шу жумладан, ностандартларини ҳам товар айланишига жалб этиб, фойдаланиш имконини беради. Натижада қишлоқ хўжалик корхона шароитида ишлаб чиқилган саноат маҳсулотлари улуши кўпаяди. Шу билан бирга, мос келувчи ишлаб чиқариш қувватига эга тўлиқроқ ва оқилона қайта ишлаш имконини берувчи, шунингдек, юқори сифатли ва кенг ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат корхона улардан 20-35% фойдаланадилар.

Йирик корхоналар ва унча катта бўлмаган қайта ишлаш бўлинмалари қувватидан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, қайта ишлаш соҳасидаги локал монополизмни забт этиш учун кооперацияни ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини, ҳамда хом ашё ишлаб чиқарувчилар интеграциясини интеграллашга тизим тузиш билан ривожлантириш зарур. Улар: агрофирмалар, ассоциациялар, агросаноат бирлашмалари, ҳолдинг компаниялар, молиявий-саноат гуруҳларидир.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги салмоқли даражада маҳсулотни муваффақиятли реализация қилишга, яъни қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг маркетинг фаолиятига боғлиқ. Шу боис кенг ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарда, шунингдек, ўз маҳсулотларининг сезиларли қисмини ўз маъмурий туман ва вилоятларидан ташқарида сотувчи хўжаликларда маркетинг хизмати зарур. Унча кўп бўлмаган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун бундай хизматни туман ёки вилоят миқёсида ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Маркетингни алоҳида корхона туман ва вилоят даражасида ташкил этиш хўжалик раҳбарияти ва мутахассисларини маҳсулотга талаб ва таклифнинг мавжудлиги, уларни қаерда ва қандай нархларда сотиш фойдалироқлиги ҳақидаги ахборотлар билан таъминлаш, маркетинг тадқиқотини амалга ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда реализацияга ёрдам берувчи у ёки бу маркетинг стратегиясини амалга оширишда кўмаклашади.

Хулоса ва таклифлар

Курс ишини бажаришда куйидаги хулосалар олинди.

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда куйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

А). Иқтисодий ўсиш омиллари куйидагилар:

меҳнат ресурслари сони ва сифатининг ортиши;

асосий воситалар ҳажмининг ўсиши ва сифат таркибининг яхшиланиши;

ишлаб чиқариш технологиялари ва ташкил қилишни мукаммаллаштириш;

хўжалик фаолиятига жалб этилувчи ер ресурсларининг ҳажмини ошириш ва сифат таркибини яхшилаш;

тадбиркорликни ривожлантириш;

бозорни монополиялаш даражасини пасайтириш;

ишлаб чиқариш ресурслари нархини пасайтириш;

даромадга солиқларни камайтириш ва ҳоказо.

Б) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи барқарор эмас ва катор омилларнинг таъсирига маҳкум:

бозор конъюнктураси, талаб ва таклифлар;

илмий-техник тараққиёт ва меҳнат унумдорлиги;

рақобат;

солиқлар;

нархларни давлати томонидан тартибга солиш;

ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот реализацияси;

маҳсулот сифати;

реализация муддатлари ва воситалари.

2. Интенсивлаштириш ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалигида маълум чегараларга эга. Масалан, қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда ҳар бир технологик жараён учун оптимал агротехника муддатлари мавжуд. Ер ҳайдаш учун ер ҳайдовчи трактор, экиш учун маълум миқдордаги экиш агрегати, ҳосилни ўриш учун (дончиликда) комбайнлар бўлиши керак.

3. Маҳсулотлар сифати-унинг ўз вазифасига кўра мос равишда маълум талабни қондиришга асосланадиган хусусиятларининг йиғиндиси. Харидор унинг қандай ўзига хос талабини қондиришига қарамасдан ўзининг истеъмол талабига жавоб берадиган маҳсулотни сифатли деб билади. Бир маҳсулотнинг сифати, ундан битта мақсад йўлида фойдаланиш учун юқори ёки паст деб билиниши мумкин. Масалан, арпадаги оқсилнинг ортиши унинг ем-хашак сифатида қимматини оширсада, пиво тайёрлаш маҳсулоти сифатини пасайтиради.

4. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш куйидаги ўзига хос хусусиятларига эга:

Иқтисодий такрор ишлаб чиқариш табиийлик билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жараёнлари ўсимликлар ва ҳайвонлар ривожланиши бўйсунадиган табиий такрор ишлаб чиқариш билан чатишиб кетган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиш муддатлари ўсимлик ва ҳайвонларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнига табиий шароит катта таъсир ўтказди. Тупроқ – иқлим шароити корхона хўжалик фаолияти

натижаларини белгилайди ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Ер қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўз моддий шаклида такрор ишлаб чиқарилмайди. Тупроқ унумдорлигини ошириш-тармоқдаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг сўзсиз шартидир.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг мавсумийлик характери унда ишчи даври ва ишлаб чиқариш даврининг бир-бирига мувофиқ келмаслиги билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш муддатларига мос келувчи йиллик циклнинг давомийлик ўзига хос бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси сифатида ҳам, истеъмол предмети сифатида ҳам фойдаланиладиган маҳсулотлар яратилади, шунинг учун қатор маҳсулотлар навбатдаги ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади (озуқа, уруғлик, чорва, хом ашё).

Қишлоқ хўжалигида интенсивлаштириш қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

1. Кимёлаштириш - қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Самарали минерал ўғитларни ишлаб чиқариш, уруғликларга кимёвий ишлов бериш, турли касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш ва шу кабилар ҳақида гап борганда кимёлаштиришнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини биламиз. Кимёлаштиришсиз қишлоқ хўжалигида сезиларли муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

2. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши – ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришдир. Меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатиши иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига боғлиқ. Оғир иш жараёнларини машиналар ёрдамида бажариш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки оғир ишлардан кишиларни озод қилиш, ижтимоий масалани ҳам маълум даражада ижобий ҳал этишга олиб келади.

3. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши ишлаб чиқаришни электрлаштиришдир. Электр имкониятларидан фойдаланмасдан ишлаб чиқаришнинг бугунги ривожини кўриш мумкин эмас.

4. Фан, техника ва технология ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳам интенсивлаштириш йўналишларидан биридир. Кадрларнинг малакасини, билимини ошириш ҳам энг керакли йўналишлар сифатида юзага чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрирда)// Халқ сўзи. – 15 октябр 2004 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар.- Т.:Ўзбекистон. 1992. – 19 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”// Ж. Солиқ тўловчи журнали. 1998. № 7 – 8. – 12 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. //Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм. – Т.: Шарқ 1998.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 6 июн 1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 7 январь 2012 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари.– Т.: Фан. 2003. – 76.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 12 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори.// Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 41 б.
11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2010. 30 январ
13. И.А.Каримов. БМТ саммити мингйиллик ривожланиши мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқи. Халқ сўзи, 2010 й. 22 сентябр
14. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2010 йил 13-ноябрь.
15. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-траққиётимизнинг муҳим омилидир. “Туркистон” 2010 йил 8-декабрь.

16. Каримов А.И. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2011 йилда асосий яқунлари ҳамда 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2012. 20 январ
17. Каримов И.А. Мустақилликка эришиш оstonасида Т: “Ўзбекистон”, 2011.-440 б.
18. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари. – Т: Янги аср авлоди, - 2004. – 143 б.
19. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004.- 304 б.
20. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. Т.: Extremum Press, 2011. – 416б.
21. Салимов Б.Т. ва б. Дехкон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси. 2004.–206 б.
22. Хамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари. Т.: Фан ва технология, 2010, - 148 б.
23. Эргашев Р.Х. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т: Янги аср авлоди,-2012 йил.-320 бет
24. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий–ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Тошкент-“Ўзбекистон”-2011
25. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси ҳисоботлари.
26. Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳисоботлари
27. Туман статистика бўлими ҳисоботлари

Интернет ВЕБ саҳифалари

1. http://www.usda_programs
2. <http://www.iuf.ru/>
3. <http://geliopax.tele-kom.ru>
4. <http://www.usaidmicro.org>